

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ-
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЙ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019. Tib .77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

ГАЛДИЕВ МАЖИД ҚУВАТОВИЧ

**ОШҚОЗОН-ИЧАК ТРАКТИНИНГ БИРЛАМЧИ-КЎПЛАБ ХАВФЛИ
ЎСМАЛАРИНИ ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШНИНГ АСОСИЙ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.14 – Онкология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of dissertation abstract of doctor of sciences (DSc)

Галдиев Мажид Қуватович

Ошқозон-ичак тизими бирламчи-кўплаб

хавфли ўсмалари диагностикаси

ва даволаш тактикаси 3

Галдиев Мажид Қуватович

Тактика диагностики и лечения первично-

множественных злокачественных

новообразований желудочно-кишечного тракта 30

Galdiev Madjid Kuvatovich

Tactics of diagnosis and treatment of

primary multiple malignant neoplasms

of the gastrointestinal tract 57

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 61

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ-
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЙ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019. Tib .77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

ГАЛДИЕВ МАЖИД ҚУВАТОВИЧ

**ОШҚОЗОН-ИЧАК ТРАКТИНИНГ БИРЛАМЧИ-КЎПЛАБ ХАВФЛИ
ЎСМАЛАРИНИ ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШНИНГ АСОСИЙ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.14 – Онкология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1. PhD /Tib.423 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.cansercenter.uz) ва “ZiyoNet” ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Мухаммедаминов Шухрат Каримжонович
тиббиёт фанлари доктори, профессор
Ходжаев Абдувоҳид Валиевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ибрагимов Саид Санжарович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Турсунов Хасан Зияевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарканд давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2025 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 383-уй. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96; e-mail: info@cancercenter.uz).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин _____-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 383-уй. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-06.

Диссертация автореферати 2025 йил «_____» _____ кунни тарқатилди.

(2025 йил «_____» _____ даги _____ -рақамли реестр баённомаси).

М.Н. Тилляшайхов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.А. Адилходжаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

М.Х. Ходжибеков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори,
профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бирламчи-кўплаб хавфли ўсмаларни ташхислаш ва даволаш клиник онкологиянинг долзарб муаммоларидан биридир. Охирги йилларда бирламчи кўплаб хавфли ўсмаларни кўпайиш тенденцияси «...кузатилмоқда ва улар онкологик касалликлар ичида 10,5% ни ташкил қилади...»¹. Улар инсон танасининг бир ёки бир нечта аъзолари ичида алоҳида ва бир-биридан мустақил равишда ривожланади. Бирламчи кўплаб ўсмалар аниқланиш даражаси асосан саратон касаллигини даволаш ва диагностика муолажаларидаги ютуқлар туфайли янги саратон ҳолатлари сонининг сезиларли даражада кўпайиши, умр кўриш давомийлигининг ошиши ва саратон касаллигидан яшовчанлик даражасининг яхшиланиши ҳисобига ортиб бормоқда. Бирламчи кўплаб хавфли ўсмаларнинг энг кенг тайрқалган локализацияси турли тадқиқотчилар томонидан турлича талқин қилинади. Бирламчи кўплаб синхрон ва метахрон ўсмалар сонининг ортиши иқтисодий йўқотишларга ва ушбу тоифадаги беморлар орасида ўлим даражасининг ошишига олиб келади ва замонавий тиббиётнинг долзарб муаммоларидан биридир.

Жаҳонда бирламчи-кўплаб хавфли ўсмаларни ташхислаш ва даволашни яхшилашга қаратилган бир қатор тадқиқотлар мавжуд. Ушбу ўсмаларнинг синхрон ва метахрон турларга бўлиниши, кўплаб муаллифларнинг фикрига кўра, вақт омилига боғлиқ, аммо метахрон ўсиш мезони сифатида танланиши керак бўлган вақт ораллиғида ҳали ҳам келишув мавжуд эмас. Россиялик олимларнинг фикрига кўра, бирламчи-кўплаб хавфли ўсмаларнинг йиллик ўсиши 1,5% ни ташкил қилади. Ушбу патологияни даволашда комплекс ёндашув ишлаб чиқилмаган, беморларнинг яшовчанлик даражаси ҳали етарлича ўрганилмаган ва даволанишда комбинацирлашган ва комплекс ёндашув ишлаб чиқилмаган. Аммо, онкология амалиётида замонавий технологияларни қўллаган ҳолда бирламчи-кўплаб хавфли ўсмаларни ташхислаш ва даволаш имкониятларини кенгайтириш, махсус ўрганишни талаб қилади ва “исботланганлик” даражасини оширадиган истиқболли илмий тадқиқотларни олиб бориш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, онкологик касалликларга қарши кенг кўламли кураш ишларининг амалга оширилиши онкологик касалликларни даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган. Йўғон ичак саратонида ўсма жараёнининг ривожланишида генетик омилларни аҳамияти ўрганилган, аммо бу омилларни ошқозон-ичак тизими бирламчи-кўплаб хавфли ўсмаларидаги аҳамияти ўрганилмаган. Ошқозон-ичак тизими бирламчи-кўплаб хавфли ўсмаларида молекуляр-генетик омилларни ва маҳаллий иммунитетни даволаш тактикасига, яшовчанлик кўрсаткичига

¹ Титов К.С., Карпенко Р.В., Лебедев С.С., Греков Д.Н., Якушева Т.А. Первично-множественные синхронные опухоли: особенности диагностики и лечения. *Онкология. Журнал им. П.А. Герцена*. 2024;13(1): 63-69.

таъсири ва ўсмани башоратлаш билан боғлиқ муаммолар ўрганилмаган. Даволаш самарадорлигини яхшилашга фақатгина замонавий ташхислаш ва молекуляр-генетик, иммунологик ва иммуногистокимёвий текшириш усулларини амалиётга тадбиқ қилиш орқали эришилади. Шу муносабат билан, «... аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш бўйича...»² вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, мавжуд диагностика усулларини такомиллаштириш ва янгиларини излашга, шунингдек, бирламчи-кўплаб хавфли ўсмаларда адекват жарроҳлик ва терапевтик даволаш усулларини такомиллаштириш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 5 майдаги ПФ-6221-сон «Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ–2866-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарор ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.

Бугунги кунга келиб, ошқозон-ичак тизими бирламчи-кўплаб хавфли ўсмаларини (ОИТ БКХУ) комплекс даволашда ягона ёндашув мавжуд эмас, бундан ташқари ўсмаларни комплекс даволашда унинг синхрон ва метахрон характердаги учраши ҳамда кимёвий терапия ва нур терапиясининг ўрни ўсмани жойлашган жойига қараб тўлақонли ўрганилмаган. Шунинг билан биргаликда прогностик омилларнинг ва молекуляр-генетик маркёрларнинг уларнинг рецидивсиз, метастазсиз ва умумий яшовчанлик кўрсаткичига таъсири ўрганилмаган. Ошқозон-ичак тизими бирламчи-кўплаб хавфли ўсмаларида турли диагностик усулларнинг ўрни ва уларнинг диагностик ахамияти тўлиқ ўрганилмаган. Бунинг асосий сабаби бирламчи-кўплаб

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

хавфли ўсмаларни бирламчи ташхислашда айрим хатоликларга йўл қўйилиб даволаш тактикасининг нотўғри қабул қилинишига таъсир қилади. Ошқозон-ичак тизими бирламчи-кўплаб хавфли ўсмаларида иммуногистокимёвий усулини тадбиқ қилиниши тўғри даволаш тактикасини танлашга ёрдам беради ва яшовчанлик кўрсаткичини ўрганишда муҳим омил сифатида кўрсатиш мумкин.

Шундай қилиб, ҳозирги даврда ошқозон-ичак тизими бирламчи-кўплаб хавфли ўсмаларини диагностикаси ва даволаш клиник онкологиянинг долзарб муаммоси сифатида қолиб келмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация олиб борилган илмий-тадқиқот муассасасининг тадқиқот режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Хавфли ўсма касалликларини ташхислаш ва даволашнинг янги усулларини ишлаб чиқиш» (2018-2022 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: ошқозон-ичак тизимининг бирламчи-кўплаб хавфли ўсмаларини диагностикасига молекуляр-генетик тадқиқот усулларини жорий этиш, ҳамда комбинирлашган ва комплекс даволаш усулларини такомиллаштириш орқали даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

хавфли ўсмалар таркибида ошқозон-ичак тизимининг бирламчи-кўплаб хавфли ўсмалари пайдо бўлиш частотасини ўрганиш;

ошқозон-ичак тизимининг бирламчи-кўплаб хавфли ўсмаларида иммуногистокимёвий тадқиқот усулларининг самарадорлигини баҳолаш;

ошқозон-ичак тизимининг бирламчи-кўплаб хавфли ўсмаларида диагностик ва тактик хатоликларнинг улушини ўрганиш ва ошқозон-ичак тизимининг бирламчи-кўплаб ўсмалари учун диагностика алгоритминини ишлаб чиқиш;

ошқозон-ичак тизимининг бирламчи-кўплаб хавфли ўсмаларида жарроҳлик ҳажми ва даволаш усулини аниқлаш;

ошқозон-ичак тизимининг бирламчи-кўплаб хавфли ўсмаларида даволашнинг турли усулларини (комбинирлашган ва комплекс) самарадорлигини қиёсий жиҳатдан баҳолаш;

ошқозон-ичак тизимининг бирламчи-кўплаб хавфли ўсмаларининг синхрон ва метахрон шаклларида узоқ муддатли даволаш натижаларини ўрганиш;

ошқозон-ичак тизимининг бирламчи-кўплаб хавфли ўсмаларида прогнозга таъсир қилувчи омилларни ўрганиш;

Тадқиқотнинг объекти бўлиб Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази ва унинг филиалларида 2008-2023 йилларда ошқозон-ичак тизими бирламчи-кўплаб хавфли ўсмалари ташхиси билан касалхонада даволанган 115 нафар бемор олинди.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб клиник, лаборатория, диагностик, морфологик текшириш ва комплекс, кимё-радиацион даволаш усулларини натижалари ҳисобланади .

Тадқиқотнинг усуллари. клиник, радиологик, эндоскопик, ультратовуш текшируви, МРТ, МСКТ, морфологик ва иммуногистокимёвий текширувлар.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi қуйидагилардан иборат:

ошқозон-ичак тизимининг бирламчи-кўплаб хавфли ўсмаларини комплекс ташхислашда эндоскопик усулларда ўсманинг маҳаллий тарқалганлиги ва асоратлари сабабли ўсмаларга етиб бориш ва уларни баҳолашдаги тўсқинликлар сабаб кузатилувчи диагностик хатоликларни камайтириши орқали МСКТ ва рентгенологик полипозицион нурли текшириш усулларининг юқори самарадорликка эга эканлиги исботланган;

ошқозон-ичак тизимининг бирламчи-кўплаб синхрон хавфли ўсмаларининг турли аъзода жойлашган ҳолатларида ўсмалар молекуляр-генетик хусусиятлари ва иммунологик статусда фарқланиши, амалиёт кўламининг кенг бўлиши ҳисобига, бир аъзода жойлашган ҳолатларида даволаш усулларининг юқори самарадорлиги исботланган;

ошқозон-ичак тизимининг бирламчи-кўплаб синхрон ва метахрон хавфли ўсмаларда хужайраларнинг Кi 67, цитокератин 20 ва P53 молекуляр-генетик ўзгаришларига ва CD3, CD 4, CD 8, CD 34 маҳаллий иммунитет кўрсаткичларига қараб комбинирлашган ва комплекс даво усулларини танланиши натижасида самарадорлик юқори бўлиши исботланган;

ошқозон-ичак тизимининг бирламчи-кўплаб метахрон хавфли ўсмаларида иммунологик статусга юкломанинг вақт давомида тақсимланиши натижасида бемор резерв кучларининг тикланиш имконияти сабабли, синхрон ўсмаларга нисбатан даволаш самарадорлиги ва яшовчанлик кўрсаткичларининг юқори бўлиши исботланган;

ошқозон-ичак тизимининг синхрон ва метахрон-синхрон бирламчи кўплаб хавфли ўсмаларида жарроҳлик амалиётларини бир нечта босқичда бажарилишига нисбатан бир босқичда бажарилишида беморга руҳий юклама ва тўқималарга травматив таъсирларнинг кам бўлиши сабабли бевосита натижаларнинг яхши бўлиши, барча бирламчи ўчоқларнинг эрта ликвидацияси сабабли рецидив ва метастазларни пайдо бўлишини камайтириб, яшовчанлик кўрсаткичини яхшиланиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ошқозон-ичак тизимининг бирламчи - кўплаб хавфли ўсмаларида ишлаб чиқилган ташхислаш ва даволаш алгоритмининг амалиётда қўлланилиши интероперацион хатоликларини камайтиради ва даволаш самарадорлигини оширади;

генетика тадқиқотлари ва ўсма белгиларини аниқлаш ошқозон-ичак тизимининг бирламчи кўплаб ўсмаларда эрта ташхис қўйишни яхшилади;

даволашда адъювант кимётерапияни қўллаш ошқозон-ичак тизимининг бирламчи кўплаб ўсмаларини натижаларини яхшилади;

янги диагностика усуллари кенг жорий этиш, ошқозон-ичак трактининг бирламчи кўплаб ўсмаларида диагностика ва терапевтик хатоликларни сезиларли даражада камайтиради;

ошқозон-ичак тизими аъзоларига таъсир қилувчи бирламчи кўплаб хавфли ўсмаларда жарроҳлик аралашуви кўлами ва усулини аниқлашда комплекс ёндашув таклиф этилади;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланиладиган замонавий усул ва ёндашувларнинг мувофиқлиги, олинган натижаларнинг назарий маълумотларга мос келиши, ўтказилган тадқиқотларнинг услубий асослилиги, беморларнинг етарли сони, тадқиқотда замонавий ва статистик усуллардан фойдаланиш, натижаларни хорижий ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққослаш билан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ошқозон-ичак тизимининг бирламчи-кўплаб хавфли ўсмаларининг ташхислаш ва даволашда янги технологияларни ҳамда алгоритмни қўллаш орқали даволаш самарадорлиги яхшиланди. Иммуногистокимёвий усули орқали аниқланган молекуляр-генетик маркерлар ошқозон-ичак тизимининг бирламчи-кўплаб хавфли ўсмаларида нафақат ташхислаш, балки даволаш тактикасини белгилашда ҳам асосий омиллардан бири бўлиб, комбинирлашган ва комплекс даволаш усуллари натижаларини яхшилаши аниқланди. Касалликнинг прогнозига таъсир қилувчи омилларни ўрганиш, янги прогнозлаштириш усуллари яратишга имкон берди, бу эса беморлар учун муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ошқозон-ичак тизимининг бирламчи-кўплаб хавфли ўсмаларини диагностикасида ва даволашда ишлаб чиқилган янги алгоритмда комбинирлашган ва комплекс даволаш усуллари қўлланилган, бу шифокорлар ва мутахассислар учун амалий қўлланма бўлиб, диагностика хатоликларни камайтиради ва яшовчанлик кўрсаткичларини оширади. Тадқиқот натижалари ошқозон-ичак тизими бирламчи-кўплаб хавфли ўсмалари ҳақида янги маълумотлар ва тушунчалар беради. Бу, ўз навбатида, илмий адабиётга қўшимча маълумотлар киритади ва мавзу бўйича келгуси тадқиқотлар учун асос яратади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш вазирлиги хузуридаги тиббиёт ходимларини касбий малакасини ривожлантириш маркази илмий техник кенгашнинг 2024 йил 31 январдаги 03 м-з/1-сон хулосасига кўра:

Биринчи илмий янгилик: ошқозон-ичак тизимининг бирламчи-кўплаб хавфли ўсмаларини комплекс ташхислашда эндоскопик усулларда ўсманинг маҳаллий тарқалганлиги ва асоратлари сабабли ўсмаларга етиб бориш ва уларни баҳолашдаги тўсқинликлар сабаб кузатиловчи диагностика хатоликларни камайтириши орқали МСКТ ва рентгенологик полипозицион нурли текшириш усуллари юқори самарадорликка эга эканлиги исботланганлиги Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Қашқадарё филиали хирургия бўлимида 2023 йилнинг 22 ноябрь 168-б-сонли буйруқ билан, Республика

ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Хоразм вилояти филиали торакоабдоминал бўлимида 2023 йилнинг 30 сентябрдаги 88^b-h-сонли буйруқ билан, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Фарғона филиали хирургия бўлимида 2024 йилнинг 15 январь 6-сонли буйруқ билан ва Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Наманган филиали биринчи жарроҳлик бўлимида 2024 йилнинг 19 январидан 25-сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги* таклиф этилган ошқозон-ичак тизимининг бирламчи-кўплаб хавфли ўсмаларини комплекс ташхислашда эндоскопик усулларда ўсманинг маҳаллий тарқалганлиги ва асоратлари сабабли ўсмаларга етиб бориш ва уларни баҳолашдаги тўсқинликлар сабаб кузатиловчи диагностик хатоликларни камайтириши орқали МСКТ ва рентгенологик полипозицион нурли текшириш усулларининг юқори самарадорлиги сабабли ташхислаш тартиби яхшиланган. *Иқтисодий самарадорлиги*: биринчи марта ошқозон-ичак тизимининг бирламчи-кўплаб хавфли ўсмаларини комплекс ташхислашда эндоскопик усулларда ўсманинг маҳаллий тарқалганлиги ва асоратлари сабабли ўсмаларга етиб бориш ва уларни баҳолашдаги тўсқинликлар сабаб кузатиловчи диагностик хатоликларни камайтириши орқали МСКТ ва рентгенологик полипозицион нурли текшириш усулларининг юқори самарадорлиги сабабли давлат бюджетидан сарф харажатларни 15,2%га иқтисод қилишга эришилган. *Хулоса*: ошқозон-ичак тизимининг бирламчи-кўплаб хавфли ўсмаларини комплекс ташхислашда эндоскопик усулларда ўсманинг маҳаллий тарқалганлиги ва асоратлари сабабли ўсмаларга етиб бориш ва уларни баҳолашдаги тўсқинликлар сабаб кузатиловчи диагностик хатоликларни камайтириши орқали МСКТ ва рентгенологик полипозицион нурли текшириш усулларининг юқори самарадорлиги сабабли, беморларнинг давлат бюджетидан сарф харажатларни 15,2%га иқтисод қилишга ва шифохонада бўлиш вақтини 1-2 кунга қисқартириш натижасида беморларнинг ҳаёт сифатини ошириш имконини берган.

Иккинчи илмий янгилик: ошқозон-ичак тизимининг бирламчи-кўплаб синхрон хавфли ўсмаларининг турли аъзода жойлашган ҳолатларида ўсмалар молекуляр-генетик хусусиятлари ва иммунологик статусда фарқланиши, амалиёт кўламининг кенг бўлиши ҳисобига, бир аъзода жойлашган ҳолатларида даволаш усулларининг юқори самарадорлиги исботланганлиги Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Қашқадарё филиали хирургия бўлимида 2023 йилнинг 22 ноябрь 168-б-сонли буйруқ билан, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Хоразм вилояти филиали торакоабдоминал бўлимида 2023 йилнинг 30 сентябрдаги 88^b-h-сонли буйруқ билан, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Фарғона филиали хирургия бўлимида 2024 йилнинг 15 январь 6-сонли буйруқ билан ва Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт

марказининг Наманган филиали биринчи жарроҳлик бўлимида 2024 йилнинг 19 январиди 25-сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* ошқозон-ичак тизимининг бирламчи-кўплаб синхрон хавфли ўсмаларининг турли аъзода жойлашган ҳолатларида ўсмалар молекуляр-генетик хусусиятлари ва иммунологик статусда фарқланиши, амалиёт кўламидининг кенг бўлиши ҳисобига, бир аъзода жойлашган ҳолатларида даволаш усуллариининг юқори самарадор бўлиши самарали даволаш тартибини тадбиқ этиш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* ошқозон-ичак тизимининг бирламчи -кўплаб синхрон хавфли ўсмаларининг турли аъзоларда жойлашганига қараганда, уларнинг бир аъзода жойлашган ҳолатларида жарроҳлик амалиёти бажариш эҳтимоли юқори бўлиши ва амалиётнинг бевосита ва узок натижаларининг яхшироқ бўлиши натижасида бюджетдан сарф харажатларни 10,5%га иқтисод қилишга эришилган. *Хулоса:* ошқозон-ичак тизимининг бирламчи- кўплаб синхрон хавфли ўсмаларининг турли аъзоларда жойлашганига қараганда, уларнинг бир аъзода жойлашган ҳолатларида жарроҳлик амалиёти бажариш эҳтимоли юқори бўлиши ва амалиётнинг бевосита ва узок натижаларининг яхшироқ бўлиши натижасида 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини бир курс учун 10,5%га иқтисод қилиш, шифохонада бўлиш вақтини 2-3 кунга қисқартириш орқали беморларнинг ҳаёт сифатини ошириш, маблағларни иқтисод қилишга эришилган.

Учинчи илмий янгилик: ошқозон-ичак тизимининг бирламчи-кўплаб синхрон ва метахрон хавфли ўсмаларида биринчи марта хужайраларнинг Кi 67, цитокератин 20 ва P53 молекуляр-генетик ўзгаришларига ва CD3, CD 4, CD 8, CD 34 маҳаллий иммунитет кўрсаткичларига қараб комбинирлашган ва комплекс даво усуллариини танланиши натижасида самарадорлик юқори бўлиши исботланганлиги Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Қашқадарё филиали хирургия бўлимида 2023 йилнинг 22 ноябрь 168-б-сонли буйруқ билан, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Хоразм вилояти филиали торакоабдоминал бўлимида 2023 йилнинг 30 сентябрдаги 88^b-h-сонли буйруқ билан, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Фарғона филиали хирургия бўлимида 2024 йилнинг 15 январь 6-сонли буйруқ билан ва Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Наманган филиали биринчи жарроҳлик бўлимида 2024 йилнинг 19 январиди 25-сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* ошқозон-ичак тизимининг бирламчи-кўплаб синхрон ва метахрон хавфли ўсмаларида биринчи марта хужайраларнинг Кi 67, цитокератин 20 ва P53 молекуляр-генетик ўзгаришларига ва CD3, CD 4, CD 8, CD 34 маҳаллий иммунитет кўрсаткичларига қараб комбинирлашган ва комплекс даво усуллариини танланиши натижасида самарадорлик юқори бўлиши натижасида эрта фаоллашувни яхшилаш ва ётоқ кунларини қисқартириш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* ошқозон-ичак тизимининг бирламчи -кўплаб

синхрон ва метахрон хавфли ўсмаларида комбинирлашган ва комплекс даво усулларининг натижаси ўсманинг жойлашуви ва унинг даражасига эмас, балки ўсманинг генетик кўрсаткичлари (Ki 67, цитокератин 20 ва P53) ва маҳаллий иммунитет кўрсаткичларига (CD3, CD 4, CD 8, CD 34) боғлиқлиги исботланганиши натижасида эрта фаоллашувни яхшилаш ва ётоқ кунларини қисқартириш орқали бюджетдан сарф харажатларни 18,0% га иқтисод қилишга эришилган. *Хулоса:* ошқозон-ичак тизимининг бирламчи- кўплаб синхрон ва метахрон хавфли ўсмаларида комбинирлашган ва комплекс даво усулларининг натижасини яхшиланиши хисобига 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини бир курс учун 18,0 %га иқтисод қилиш, шифохонада бўлиш вақтини 3-4 кунга қисқартириш орқали эрта фаоллашувни яхшилаш, ётоқ кунларини қисқартириш ва маблағларни иқтисод қилишга эришилган.

Тўртинчи илмий янгилик: ошқозон-ичак тизимининг бирламчи-кўплаб метахрон хавфли ўсмаларида иммунологик статусга юкломанинг вақт давомида тақсимланиши натижасида бемор резерв кучларининг тикланиш имконияти сабабли, синхрон ўсмаларга нисбатан даволаш самарадорлиги ва яшовчанлик кўрсаткичларининг юқори бўлиши исботланганлиги Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Қашқадарё филиали хирургия бўлимида 2023 йилнинг 22 ноябрь 168-б-сонли буйруқ билан, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Хоразм вилояти филиали торакоабдоминал бўлимида 2023 йилнинг 30 сентябрдаги 88^b-h-сонли буйруқ билан, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Фарғона филиали хирургия бўлимида 2024 йилнинг 15 январь 6-сонли буйруқ билан ва Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Наманган филиали биринчи жарроҳлик бўлимида 2024 йилнинг 19 январидан 25-сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* ошқозон-ичак тизимининг бирламчи-кўплаб метахрон хавфли ўсмаларида ошқозон-ичак тизимининг бирламчи-кўплаб метахрон хавфли ўсмаларида иммунологик статусга юкломанинг вақт давомида тақсимланиши натижасида бемор резерв кучларининг тикланиш имконияти сабабли, синхрон ўсмаларга нисбатан даволаш самарадорлиги ва яшовчанлик кўрсаткичларининг юқори бўлиши сабабли беморларнинг ҳаёт сифати, яшовчанлигини яхшилаш кўрсатиб ўтилган. *Иқтисодий самарадорлиги:* ошқозон-ичак тизимининг бирламчи-кўплаб метахрон хавфли ўсмаларида иммунологик статусга юкломанинг вақт давомида тақсимланиши натижасида бемор резерв кучларининг тикланиш имконияти сабабли, синхрон ўсмаларга нисбатан даволаш самарадорлиги ва яшовчанлик кўрсаткичларининг юқори бўлиши сабабли беморларнинг ҳаёт сифати, яшовчанлигини яхшилаш орқали бюджетдан сарф харажатларни 10,0%га иқтисод қилишга эришилган. *Хулоса:* ошқозон-ичак тизимининг бирламчи-кўплаб метахрон хавфли ўсмаларида иммунологик статусга юкломанинг вақт давомида тақсимланиши натижасида бемор резерв кучларининг тикланиш имконияти сабабли, синхрон ўсмаларга нисбатан даволаш самарадорлиги ва яшовчанлик кўрсаткичларининг юқори

бўлиши сабабли 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини бир курс учун 10,0% иқтисод қилиш, шифохонада бўлиш вақтини 4-5 кунга қисқартириш орқали беморларнинг ҳаёт сифати, яшовчанлигини ошириш имконини берган.

Бешинчи илмий янгилик: ошқозон-ичак тизимининг синхрон ва метахрон-синхрон бирламчи кўплаб хавфли ўсмаларида жарроҳлик амалиётларини бир нечта босқичда бажарилишига нисбатан бир босқичда бажарилишида беморга руҳий юклама ва тўқималарга травматив таъсирларнинг кам бўлиши сабабли бевосита натижаларнинг яхши бўлиши, барча бирламчи ўчоқларнинг эрта бартараф қилиш сабабли рецидив ва метастазларни пайдо бўлишини камайтириб, яшовчанлик кўрсаткичини яхшиланиши исботланганлиги Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Қашқадарё филиали хирургия бўлимида 2023 йилнинг 22 ноябрь 168-б-сонли буйруқ билан, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Хоразм вилояти филиали торакоабдоминал бўлимида 2023 йилнинг 30 сентябрдаги 88^b-сонли буйруқ билан, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Фарғона филиали хирургия бўлимида 2024 йилнинг 15 январь 6-сонли буйруқ билан ва Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Наманган филиали биринчи жарроҳлик бўлимида 2024 йилнинг 19 январидан 25-сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган.

Ижтимоий самарадорлиги: ошқозон-ичак тизимининг синхрон ва метахрон-синхрон бирламчи кўплаб хавфли ўсмаларида жарроҳлик амалиётларини бир нечта босқичда бажарилишига нисбатан бир босқичда бажарилишида беморга руҳий юклама ва тўқималарга травматик таъсирларнинг кам бўлиши сабабли бевосита натижаларнинг яхши бўлиши, барча бирламчи ўчоқларнинг эрта ликвидацияси сабабли рецидив ва метастазларни пайдо бўлишини камайтириб, яшовчанлик кўрсаткичини яхшиланиши, ногиронликнинг пасайиши ва умр давомийлигининг узайтириш имконини берган.

Иқтисодий самарадорлиги: ошқозон-ичак тизимининг синхрон ва метахрон-синхрон бирламчи кўплаб хавфли ўсмаларида жарроҳлик амалиётларини бир нечта босқичда бажарилишига нисбатан бир босқичда бажарилишида беморга руҳий юклама ва тўқималарга травматик таъсирларнинг кам бўлиши сабабли бевосита натижаларнинг яхши бўлиши, барча бирламчи ўчоқларнинг эрта бартараф қилиш сабабли рецидив ва метастазларни пайдо бўлишини камайтириб, яшовчанлик кўрсаткичини яхшиланиши орқали бюджетдан сарф харажатларни 15%га иқтисод қилишга эришилган.

Хулоса: ошқозон-ичак тизимининг синхрон ва метахрон-синхрон бирламчи кўплаб хавфли ўсмаларида жарроҳлик амалиётларини бир нечта босқичда бажарилишига нисбатан бир босқичда бажарилишида беморга руҳий юклама ва тўқималарга травматик таъсирларнинг кам бўлиши сабабли бевосита натижаларнинг яхши бўлиши, барча бирламчи ўчоқларнинг эрта бартараф қилиш сабабли рецидив ва метастазларни пайдо бўлишини камайтириб, яшовчанлик кўрсаткичини яхшиланиши 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 15%га иқтисод қилиш, шифохонада бўлиш вақтини 3-4 кунга қисқартириш орқали беморлар

хаёт сифатининг яхшиланиши, ногиронликнинг пасайиши ва умр давомийлигининг узайтиришга эришилган.

М.К.Галдиевнинг «**Ошқозон-ичак тизимининг бирламчи-кўплаб хавфли ўсмаларини ташхислаш ва даволашнинг асосий хусусиятлари**» мавзусидаги диссертация тадқиқотида олинган юқоридаги 5 та илмий янгилик бошқа соғлиқни сақлаш муассаларига жорий этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги тиббиёт ходимларини касбий малакасини ривожлантириш марказининг 2024-йилдаги 19-июндаги 02-03/388-сон хати Соғлиқни Сақлаш вазирлигига тақдим этилган.

Илмий натижаларнинг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий конференцияларда, шу жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика конференцияларида муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларининг нашр этилганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 21 та илмий иши чоп этилган, шу жумладан 10 та журнал мақолалари, шундан 7 таси республика, 3 таси диссертациянинг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун Ўзбекистон Республикаси олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган хорижий журналларда.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, етита боб, хулосалар, амалий тавсиялар ва қўлланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 191 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилаётган тадқиқотнинг долзарблиги ва талаб борлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асосланган, объект ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва техникасининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиқ этилганлиги, нашр этилган ишлар тўғрисидаги маълумотлар ва диссертациянинг тузилиши келтириб ўтилган.

Диссертациянинг "**Ошқозон-ичак тизими бирламчи-кўп хавфли ўсмалари диагностикаси ва даволаш тактикаси**" (адабиётлар тахлили) мавзусидаги биринчи бобида ошқозон-ичак тизими бирламчи-кўплаб хавфли ўсмаларини ташхислаш ва даволашда молекуляр-генетик маркёрларни ўрганишга оид замонавий адабиётлар тахлиliga бағишланган, шунингдек иммуногистокимёвий текшириш усуллари ўрганилган. Бундан ташқари диагностик усулларнинг самарадорлиги ва даволашнинг замонавий усуллари келтирилган.

Диссертациянинг "**Клиник материалнинг умумий тавсифи ва текшириш усуллари**", деб номланувчи иккинчи бобида диссертацияда қўлланилган тадқиқотнинг клиник материаллари ва текшириш усуллари батафсил баён этилган. Ушбу илмий ишнинг материали сифатида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий маркази ва унинг худудий

филиалларида 2008-2022 йиллар давомида ошқозон ичак тизимида учраган бирламчи-кўплаб хавфли ўсмалар билан 115 нафар беморнинг текшириш ва даволаш натижалари тахлил қилинди. Беморларнинг 62 (53,9%) нафарини эркаклар ва 53 (46,1%) нафарини аёллар ташкил қилди. Беморларнинг энг кичик ёши - 24 ёш, ёши улуғи – 82 ёш, беморларнинг ўртача ёши 57,1 ёшни ташкил этди.

1-жадвал

Ошқозон-ичак тизими БКХЎ беморларнинг ёшга ва жинсига қараб тақсимланиши

Жинси	Беморлар ёши				
	Беморлар сони	19-44 ёш	45-59 ёш	60-74 ёш	>75 ёш
Эркаклар	62 (53,9%)	16	13	21	12
Аёллар	53 (46,1%)	13	15	21	4
Жами	115 (100%)	29 (25,2%)	28 (24,3%)	42 (36,5%)	16 (13,9%)

Келтирилган 1 – жадвалдан кўришиб турибдики, ошқозон-ичак тизими бирламчи-кўплаб хавфли ўсмалари –42 (36.5%) беморларда 60-74 ёшда, 29 (25.2%)таси – 19-44 ёшда учраган бўлса, 45-49 ёшда 28 (24.3%) беморда, 16 (13,9%) беморда 75 ёшларда учраган. Келтирилган маълумот шуни кўрсатмоқдаки, 60,8% беморларда хавфли ўсмалар 45-74 ёш оралигида учраган.

Бизнинг тадқиқотларимизда 115 нафар бемордан ошқозон-ичак тизими бирламчи-кўплаб хавфли ўсмаларини 65 (56,5%) нафарида ўсма синхрон шаклдаги таснифга мос равишда аниқланган, 35 (30,5%) тасида метахрон шаклда, 7 (6,1%) тасида синхрон-метахрон ва 8 (6.9%) тасида метахрон-синхрон турида аниқланган.

Ошқозон-ичак тизими бирламчи-кўплаб хавфли ўсмаларида аксарият ҳолатда гистологик текширишда бирламчи ва иккиламчи ўсмаларда аденокарцинома гистологик типи аниқланган – 87 (75.6%) ва 81 (70.4%) мос равишда.

Диагностика усуллари клиник кўриқдан ташқари, ўз ичига қоннинг умумий ва биокимёвий таҳлили, коагулограмма, ўсма маркерларини текшириш, рентгенологик, ултратовуш, МСКТ, МРТ, фиброгастроскопия, фиброколоноскопия ва ПЭТ/КТ усулларида иборат бўлган. 29 (25.2%) беморга ошқозон рентгенографияси, 111 (96.5%) беморга ирригоскопия, 115 (100%) беморга қорин бўшлиғи ва кичик тос аъзолари ултратовуш текшируви, 113 (98.2%) беморга қорин бўшлиғи аъзолари МРТ текшируви, 74 (64.3%) беморга қорин бўшлиғи МСКТ текшируви ва 4 (3.4%) беморга ПЭТ/КТ текшируви ўтказилган.

Фиброколоноскопия текширувида диагностика хатоси 29% ни, ирригоскопия текширувида эса диагностик хатолик 7,6% ни ташкил этди. 3 (2.6%) беморда ингичка ичакда ўсма фақат жарроҳлик пайтида аниқлаш мумкин бўлган, бу ўсмалар операциядан олдин инструментал тадқиқот усуллари билан аниқланмаган.

Синхрон БКХЎда 65 бемордан 46 (70,8%) тасида комбинирлашган даво , 10 (15,4%) тасида комплекс даво усуллари ўтказилган бўлса, 7 (10,8%) бемор кимёвий терапия, 1 (1,5%) - нур терапияси ва 1 (1,5%)-симптоматик терапия ўтказилган. Комбинирлашган даволаш гуруҳидаги беморларга оператив даводан сўнг кимёвий даволаш усули ўтказилган, комплекс даволаш усулида эса, оператив даводан сўнг кимёвий ва нур терапияси усуллари ўтказилган.

Бирламчи-кўплаб метахрон хавфли ўсмаларда 35 бемордан 2 (5,7%) тасига фақат жарроҳлик давоси ўтказилган 29 (82,8%) тасига комбинирлашган даво ва 4 (11,4%) беморда комплекс даво ўтказилган.

Бирламчи-кўплаб метахрон-синхрон хавфли ўсмаларда эса 8 беморнинг 1 (12,5%) тасига хирургик даво, 6 (75%) тасига-комбинирлашган даво ва 1 (12,5%) тасига комплекс даво усули ўтказилган.

Бирламчи-кўплаб синхрон - метахрон хавфли ўсмаларда эса 7 бемордан 4 (57,1%) нафарида комбинирлашган даво ва 3 (42,9%) нафарида эса комплекс даво ўтказилган. Умуман олганда, 115 бемордан 17 (14,8%) тасида ўсманинг қайталаниши ва 53 (46,1%) тасида узоқ метастазлар аниқланган.

Метастазларнинг аъзолар бўйича тақсимланиш ўрганилганда, 53 бемордан 29 (54,7%) тасида жигар метастазлари, 20 (37,7%) тасида-қорин бўшлиғи канцероматози, 3 (5,6%) тасида мия метастазлари ва 1 (1, 9%) – ўпкада пайдо бўлган.Ўсманинг такрорланиш вақти 6 ойдан 48 ойгача бўлиб, ўртача 24 ойни ташкил этган.

Узоқлашган метастазларнинг пайдо бўлиш вақти БКХЎ зарарланишининг табиатига боғлиқ бўлиб, синхрон БКХЎ билан касалланган беморлар гуруҳида улар 2 ойдан 160 ойгача бўлган , ўртача 43,2 ойни ташкил қилган.Метахрон БКХЎ да узоқ метастазларнинг пайдо бўлиш вақти 3 ойдан 372 ойгача бўлиб, ўртача 110,3 ойни ташкил қилган.Метахрон -синхрон БКХЎ да узоқ метастазларнинг пайдо бўлиш вақти 51 ойдан 361 ойгача бўлиб , ўртача 55,4 ойни ташкил қилган.Ошқозон-ичак тизимининг синхрон-метахрон БКХЎ билан узоқ метастазларнинг пайдо бўлиш вақти 3 ойдан 41 ойгача бўлиб, ўртача 22 ойни ташкил қилган.

Шундай қилиб, тақдим этилган маълумотлар шуни кўрсатадики, ошқозон-ичак тизимининг бирламчи кўп хавфли ўсмалари бир-биридан ошқозон-ичак тизимининг шикастланиш табиати, касалликнинг кечиши, радикал жарроҳлик аралашувларга қарамай, рецидивлар ва ўсма метастазларининг улуши билан фарқ қилади ва комплекс даволаш усуллари қўлланилганда натижа юқори бўлади.

Диссертациянинг "**Ошқозон-ичак тизими бирламчи-кўплаб хавфли ўсмаларининг патоморфологик тавсифи ва иммунологик кўрсаткичлари**", деб номланувчи учинчи бобида беморларни текшириш усуллари келтирилган. Кузатувда бўлган беморларнинг ошқозон-ичак тизими бирламчи-кўплаб синхрон (БКХЎ) зарарланишида 65 бемордан 61 (89,4%) нафарида оғриқ симптоми, 18 (27,6%) тасида кўнгил айнаши, 5 (7,6%) тасида қайт қилиш, 59 (90,7%) тасида иштаҳанинг пасайиши, 53 (81,5%) тасида қабзият, 31 (47,6%) тасида қориннинг дам бўлиши, 43 (66,1%) тасида оғиз қуриши, 61 (89,4%) тасида озиш, 7 (10,7%) тасида диарея, 12 (18,4%) тасида

дефекация актининг бузилиши, 55 (84,6%) тасида ахлатда патологик ажралмаларнинг бўлиши, 4 (6,1%) тасида кахексия, тери қопламасининг куруқлиги 55 (84,6%) та беморда, 12 (18,4%) беморда тери қопламасининг сарғайиши кузатилган. Клиник кўриқда 3 (4,6%) беморда қориннинг ассиметрияси, 28 (43,1%) беморда палпацияда қоринда хажмли хосиланинг аниқланиши, 1 (1,5%) беморда қорин парда таъсирланиш белгиси кузатилган.

Бизнинг тадқиқотларимизда қуйидаги ўсма маркерлари аниқланган: углерод антигенлари СА-19,9, СА-72,4, СА-242 ва саратон эмбрионал антигени (СЕА) ўсма маркерлари текширилган. Бунда текширилган 96 нафар бемордан 70 (72,9%) нафарида ўсма маркерларининг мусбат натижалари олинган.

Текширишлар натижасида 115 бемордан 114 (99,1%) нафарида йўғон ичакнинг турли қисмларида ўсма жараёни синхрон ва метахрон шаклида аниқланган. Фақатгина 1 (0,9%) беморда ошқозон ва қизилўнғачнинг синхрон зарарланиши кузатилган. 115 нафар бемордан 3 (2,6%) тасида ингичка ичакнинг ва йўғон ичакнинг турли қисмлари синхрон ёки метахрон типдаги зарарланишлари кузатилган. 21 (18,4%) нафарида эса ошқозон ва йўғон ичакнинг биргаликдаги синхрон ёки метахрон турдаги зарарланишлари аниқланган.

Қорин бўшлиғи аъзоларининг мультиспирал компьютер томография усули (МСКТ) 74 (64,3%) беморда ўтказилган. Текширишлар натижасида 74 нафар текширилган бемордан 15 (20,2%) нафарида ўсма жараёни аниқланган. Бунда 2 беморда ошқозоннинг кўтарилувчи чамбар ичак билан биргаликда зарарланиши қайд этилган.

115 (100%) беморнинг барчасига фиброколоноскопия текшируви ўтган бўлиб, шулардан 83 (72,2%) беморда ўсма жараёнининг синхрон ёки метахрон тарзда кечишига боғлиқ холда бирламчи ўчоқ сифатида ўсма локализацияси аниқланган, 37 (32,2%) нафарида эса иккиламчи ўчоқ сифатида ўсма локализацияси аниқланган.


Бизнинг кузатувимизда бўлган 115 бемордан 60 (52,2%) тасида иммуногистохимик ва молекуляр-генетик текширувлари бажарилди. Бунда 60 бемордан мос равишда 30 (50%) нафардан ошқозон-ичак тизимининг синхрон ва метахрон БКХЎ билан касалланган беморлар текширилди. Молекуляр-генетик текширувида 60 бемор молекуляр-генетик маркерлар-қон томир эндотелиал ўсиш омили (VEGF), ўсма пролиферация фаоллиги (Ki-67), ген супрессор (p53) ва апоптоз гени (BCL-2) таҳлили билан иммуногистохимёвий тадқиқотдан ўтказилди. Шуни таъкидлаш керакки, ушбу белгиларни аниқлаш даволаш усулини танлашга таъсир кўрсатди.

Диссертациянинг **"Ошқозон-ичак тизими бирламчи-кўплаб хавфли ўсмаларида иммуногистохимёвий текшириш усуллариининг натижалари"** деб номланувчи тўртинчи бобида тадқиқотдаги беморлар гуруҳларида ўтказилган иммуногистохимёвий текшириш усуллариининг батавсил натижалари келтириб ўтилган. Тадқиқот 2008-2023 йилларда РИОваРИАТМ ҳамда унинг Бухоро, Тошкент вилояти филиалларида даволанган

беморларнинг касаллик тарихини ретроспектив ва проспектив таҳлили ўтказилди.


Барча беморлар стандартлар асосида клиник-лаборатор, рентгенологик, ултратовуш, эндоскопик, МРТ, МСКТ, морфологик текширувлардан ўтказилди.

Ўсмаларнинг гистологик тузилишини ўрганиш шуни кўрсатдики, синхрон тури билан касалланган 65 та беморларда, юқори дифференцирлашган аденокарциномалар 16 тасида (24.6%), ўрта дифференцирлашган аденокарциномалар 22 тасида (33.8%) ва паст дифференцирлашган аденокарциномалар 12 тасини (18.4%) ташкил қилди. Қолган 15 (23%) та беморда дифференцирланмаган саратон аниқланган (1-расм).



1-расм. Ошқозон-ичак тизими бирламчи-кўплаб хавфли ўсмаларини (синхрон тури) гистологик дифференцирлаш даражаси (n=65).

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, синхрон ўсмаларда аксарият беморлар юқори (24,6%) ва ўрта (33,8%) дифференцирлашган аденокарциномадан иборат бўлган.



2-расм. Ошқозон-ичак тизими бирламчи-кўплаб хавфли ўсмаларини (метахрон тури) гистологик дифференцирлаш даражаси (n=35).

Метахрон ўсмаларда ҳам юқори ва ўрта дифференцирлашган аденокарцинома кўрсаткичлари юқори бўлиб (42,8% ва 20%),прогностик жихатдан нисбатан яхши кўрсаткичга эга бўлган.Паст ва нодифференцирлашган аденокарциномалар кўрсаткичлари 22,8% ва 14,3% ни ташкил қилган.

Бизнинг тадқиқотимизда,иммуногистохимёвий текшириш усули 60 та беморда ўтказилган бўлиб,улардан 30 таси синхрон ва 30 таси метахрон ошқозон-ичак тизимининг бирламчи-кўплаб хавфли ўсмаларидан иборат бўлган.

2-жадвал

Иммуногистохимёвий текшириш учун ҳар бир гуруҳдан танлаб олинган беморлар сони (n=60)

№	Турлари	Сони
1	Синхрон	30 та (50%)
2	Метахрон	30 та (50%)
	Жами	60 та

Ошқозон-ичак тизими бирламчи-кўплаб хавфли ўсмаларида ўрганилган молекуляр - генетик хусусиятлари асосланиб, рецидив ва метастазлар ривожланиш хавфи юқори бўлган ҳолатларини аниқлаш мезонлари ишлаб чиқилди ва беморлар гуруҳи ўрганилди. Ушбу гуруҳдаги беморларда ўсма хужайраларининг пролифератив фаоллиги (Ki 67) ва апоптознинг даражаси (BCL-2) ўртасидаги боғлиқлик ўрганилди. Оксил маркёрларининг даражасини ўрганиш, уларнинг мумкин бўлган жарроҳлик аралашувини амалга оширишда ошқозон-ичак тизими бирламчи-кўплаб хавфли ўсмаларида касалликнинг башорат қилишда имкониятини берди.Ошқозон-ичак бирламчи-кўплаб хавфли ўсмаларида юқори пролиферация индекси (Ki 67) эга бўлган беморларда салбий прогностик омил ҳисобланиб даволаш тактикасини белгилашда муҳим аҳамиятга эга бўлди.Шу билан биргалликда бу кўрсаткичнинг юқори бўлиши ўсма хужайраларининг паст дифференциацияга эга эканлиги 55% беморларда аниқланди.(Жадвал 3).

Паст дифференцирлашган аденокарциномаларда 3 тасида (15%) енгил позитив реакция, 6 тасида (30%) ўрта позитив реакция ва 11 (55%) беморда юқори позитив реакция кузатилди. Олинган натижалар шуни кўрсатадики саратоннинг дифференцирлашган даражаси канча паст бўлса унинг хавфлилик еки агрессив кетиши жараёни шунча юқори бўлади.

3-жадвал

Ўсма дифференциацияси даражаси ва пролиферация фаоллиги ўртасидаги боғлиқлик (Ki-67). n=60.

Дифференцирлаш даражаси	Енгил позитив реакция	Ўрта позитив реакция	Юқори позитив реакция
G-1	15 (75%)	5 (25%)	-
G-2	6 (30%)	12 (60%)	2 (10%)
G-3	3 (15 %)	6 (30%)	11 (55%)

Ген-супрессор p53нинг гиперэкспрессияси метастатик жараёнларининг фаоллашиши ва беморларнинг яшаш даражасининг пастлиги билан ифодаланиб, касалликнинг салбий натижасини кўрсатди ва уларнинг юқори позитив кўрсаткичига эга бўлиши яшовчанлик кўрсаткичининг пасайишига олиб келди.

4-жадвал

Ўсманинг дифференциация даражаси ва юқори пролиферация даражаси ўртасидаги боғлиқликни ўрганишда мутант ген p53 дкўрсаткичи (n=60)

Дифференцирланган даражаси	Энгил позитив реакция	Ўрта позитив реакция	Юқори позитив реакция	Жами
G-1	6 (30 %)	14 (70%)	-	20
G-2	10 (50%)	6 (30%)	4 (20%)	20
G-3	4 (20%)	10 (50%)	6 (30 %)	20

Тадқиқотда p53 ўсма маркерига ижобий реакция G-1 дифференциациясида 20 нафар беморларнинг 6 тасида (30%)-енгил позитив реакция кузатилди. 14 (70%)-ўрта даражали позитив реакция кузатилди. Ўрта дифференцирланган аденокарциномаларда 10 (50%)-енгил даражали позитив реакция, 6 (30%)-ўрта позитив реакция, 4 (20%)-юқори позитив реакция кузатилди. Паст дифференцирланган аденокарциномаларда 4 (20%) тасида паст позитив реакция 10-ўрта позитив реакция ва 8 тасида (40 %) -юқори позитив реакция кузатилди. (4-жадвал). Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, бошқа ўсма маркёрларидан фаркли ўлароқ ген -супрессор p53нинг кўрсаткичининг паст дифференцирланган (G 3) бирламчи-кўплаб хавфли ўсмаларда юқори позитивлик даражаси 30% дан ошмаган.

Тадқиқотда Цитокератин-20 ўсма маркерига ижобий реакция асосан G-1 дифференциациясида 20 нафар беморларнинг 4 тасида (20%) энгил даражали позитив реакция кузатилди. 14 (60%) беморда ўрта даражали позитив реакция ва 2 (20%) тасида юқори позитив реакция кузатилган. Ўрта дифференцирланган аденокарциномаларда 6 (30%) беморда энгил позитив реакция, 7 (35 %) тасида ўрта позитив реакция ва 7 (35 %) беморда юқори позитив реакция кузатилди. Паст дифференцирланган аденокарциномаларда 2 (10%) беморда паст позитив реакция , 8 (40%) тасида-ўрта позитив реакция ва 10 (50 %) тасида юқори позитив реакция кузатилди.

5-жадвал

Ўсма дифференциацияси даражаси ва юқори Цитокератин-20 пролифератив ўртасидаги боғлиқликни ўрганишда мутант ген. n=60

Дифференцирланган даражаси	Энгил позитив реакция	Ўрта позитив реакция	Юқори позитив реакция	Жами
G-1	4 (20 %)	14 (70%)	2 (10%)	20
G-2	6 (30%)	7 (35%)	7 (35%)	20
G-3	2 (10%)	8 (40%)	10 (50 %)	20

Олинган натижалар шуни кўрсатадики, хавфли ўсма хужайраларининг дифференциациясининг даражасининг юқорилиги Цитокератин-20нинг

юкорилиги билан мос равишда ифодаланган,бу эса унинг агрессив кечиш имкониятини оширади (5-жадвал).

VCL-2 апоптоз индексини баҳолаш ОИТ бирламчи-кўплаб хавфли ўсмаларни, синхрон ва метахрон турларида иммуногистокимёвий окуляр ва объектив 10-40 бўялган хужайралар фоизига қараб кўриш майдонларида амалга оширилди, хужайраларнинг 10% дан камроғи бўялган ҳолда 0 балл, 10 дан 30 % гача - 1 балл, 30 дан 60 гача 50% - 2 балл, 60 дан 100% гача - 3 балл тизими оркали баҳоланди.

Тадқиқотда Vcl-2 ўсма маркерига ижобий реакция асосан G-1 дифференциациясида 20 беморларнинг 6 (30%) тасида энгил даражали позитив реакция кузатилди, 8 (80%) тасида ўрта даражали позитив реакция ва 6 (30%) юқори позитив реакция кузатилган. Ўрта дифференциялашган аденокарциномаларда 4 (20%) тасида энгил позитив реакция, 7 (35 %) тасида урта позитив реакция ва 7 (35 %) тасида юқори позитив реакция кузатилди. Паст дифференциялашган аденокарциномаларда 2 (10%) беморда паст позитив реакция , 6 (30%) тасида ўрта позитив реакция ва 12 (60 %) тасида юқори позитив реакция кузатилди. Олинган натижалар шуни кўрсатадики, саратоннинг дифференцирлаш даражаси Vcl-2 юқорилиги даволаш имконияти энгиллаштиради, бироқ дифференциялаш даражаси пастлиги эса унинг агрессив кечиш имкониятини оширади (6-жадвал).

Ошқозон-ичак тизими бирламчи-кўплаб хавфли ўсмаларда ўсма қайталаниши ва ривожланишининг патоморфологик мезонлари қуйидагилардан иборат бўлди: ўсманинг эндофит ўсиши, чуқур инвазия ва паст дифференциация даражаси.

6-жадвал

Ўсма хужайраларининг дифференциация даражасини апоптоз индексига боғлиқлик равишда ўрганиш (Vcl-2). n=60

Дифференциялаш даражаси	Энгил позитив реакция	Ўрта позитив реакция	Юқори позитив реакция
G-1	6 (30 %)	8 (40%)	6 (30%)
G-2	4 (20%)	7 (35%)	7 (35%)
G-3	2 (10%)	6 (30%)	12 (60%)

Ошқозон-ичак тизими бирламчи-кўплаб хавфли ўсмаларида маҳаллий иммунитет тизимининг миқдорий кўрсаткичларини ўрганиш шуни кўрсатдики, ўсма тўқимасида Т-ёрдамчи индукторлар сони 46% га (1,5 баравар) сезиларли даражада юқори бўлиб, бу юқори иммунорегуляцион индексини (1,80) аниқлайди. Бундай ҳолда, резекция чизиғи камида 2,5 см бўлган беморларда ва перитуморал сохага нисбатан Т-супрессорлар (CD8+) ва В-лимфоцитлар сонининг камайишига боғлиқ бўлиб, бу ерда CD19+ ва Т-супрессорларнинг (CD8+) миқдори юқори курсаткичларни ташкил қилди.

Иммун хужайралари таркибига ўсма жараёнининг йўғон ичак саратони пайтида олинган ичак тўқимасини таҳлил қилиш резекция чизиғи ва перитуморал сохага нисбатан Т-лимфоцитлар (CD3+) ва Т-ёрдамчи индуктор

хужайраларининг (СД3+ СД4+) ишончли жойлашишини кўрсатди, аммо шу билан бирга СД19+ хужайраларининг кўрсаткичларининг сезиларли пасайиши қайд этилди (7-жадвал).

Шуни таъкидлаш керакки, перитуморал сохада табиий киллер хужайраларининг юқори миқдори қайд этилган.

7-жадвал

Ошқозон-ичак тизими бирламчи-кўплаб хавфли ўсмаларида маҳаллий иммунитет реакциясининг ўзгариши

№	Гуруҳ	Лимфоцитлар	Перитуморал зона (1-2,5 см)	Ўсма соҳаси
1	СД3	Т-лимфоцитлар	45,1+2,9	64,9+2,7***^^^
2	СД4	Т-ёрдамчилар	17,3+2,1	36,4+2,1**^^^
3	СД8	Т-супрессорлар	24,6+2,2*	23,3+1,7*
4	СД 19	В-лимфоцитлар	14,7+1,3*	12,8+1,4
5	СД 20	В-лимфоцитлар	37,1+2,3	22,7+2,8*^^^

Изоҳ: ***^^^СД 3+ ва **^^^ СД 4+ хужайралари ўсма соҳасида перитуморал сохага нисбатан (2.5 см гача) ишонечли равишда юқори кўрсаткичга эга: *^^^СД 20+ (В – лимфоцитлари) миқдори перитуморал сохада ўсма соҳасига нисбатан 1.8 марта юқори кўрсаткичга эга.

Йугон ичакда жойлашган бирламчи-кўплаб хавфли ўсмаларнинг тўқималарида маҳаллий ўсмага қарши иммунитет ўрганилганда перитуморал сохада Т-лимфоцитлар (СД3+) ва Т-ёрдамчи лимфоцитлар (СД4+) миқдори 45,1% ва 17,3%га камайган, лекин ўсма тўқимаси ва резекция чизиғи билан солиштирилганда (2,5 см дан чекиниш) – 64,9%ни ва 36,4%ни мос равишда Т-супрессорлар (СД8+) миқдори ошди.

Ошқозон-ичак тизими бирламчи-кўплаб хавфли ўсмаларида морфологик ва маҳаллий мезонларни баҳолаш уларнинг ўзаро боғлиқлигини кўрсатди. Морфологик ўрганишда катта ва ўрта атипик glandула тузилмалар аниқланади, ичак қалинлигида катта гиперхром хужайралари мавжуд бўлиб, лимфоцитик-гистоцитик инфильтрация мавжуд бўлиб, улар иммунологик параметрларда кузатилган ўзгаришларни аниқлаш имкониятини берди.

Диссертациясининг "**Ошқозон-ичак тизими бирламчи-кўплаб хавфли ўсмаларнинг даволаш натижалари**", деб номланувчи бешинчи бобида тадқиқот гуруҳларида ўтказилган даволаш натижалари таҳлили ўтказилган.

